



XLASR



IJTIMOIY-SIYOSIY
GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан
чиқа бошлаган,
E-mail: axborotXlasr@yahoo.com
web sayt: www.21asr.uz

2012 йил 12 январь, пайшанба
02-(426)-сон

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



Олий Мажлисни либерал ислохотлар тарғиботчисига айлантиришни назарда тутувчи мазкур қонун мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгиланишларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади



Айни пайтда O'zLiDeP вилоят кенгаши ўз атрафига **8233** аъзони жипслаштирган бўлса, уларнинг **2068** нафари (**25,1** фоизи)ни шижоатли қалб эгалари ташкил этапти



«Ўзбекино» миллий агентлиги Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучларининг **20** йиллиги арафасида янги «Муқаддас бурч» номи бадий фильм тақдимотини ўтказди

03 ҚОНУНЧИЛИК

04 ЁШЛАР ҚАНОТИ

08 ТУХФА

ҲОКИМЛИК ҚАНДАЙ ЙЎЛ ТАНЛАЙДИ?

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИДАГИ O'ZLiDeP ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИ ВИЛОЯТДА КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ИШЛАРИ КАТЪИЙ НАЗОРАТГА ОЛИНИШИНИ ТАЪКИДЛАБ, МУТАСАДДИ ТАШКИЛОТЛАР ТОМОНИДАН НАСЛЧИЛИК ХЎЖАЛИКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЕТАРЛИ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМАЯПТИ, ДЕГАН ҚАРОРГА КЕЛДИЛАР

Халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашининг VII сессиясида O'zLiDeP депутатлик гуруҳи ташаббуси билан «Чорвачилик ва наслчиликни ҳамда озукабон экинлар уруғчилигини ривожлантиришда илмий-ишлаб чиқариш институтларини модернизация қилиш тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди.

O'zLiDeP вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари О.Исломовнинг таъкидлашича, чорвачиликни ривожлантириш, чорва моллари учун озукабон экинлар етиштириш сифатини яхшилаш мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг асосий йўналишларидан биридир.

4»»

ОИЛАВИЙ БИЗНЕС МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

«АЁЛЛАР ҚАНОТИ» ФАОЛЛАРИ ТОМОНИДАН ПАЙАРИҚ ТУМАНИДАГИ «ТУРСУН АХМЕДОВ» МАҲАЛЛАСИДА «МАҲАЛЛА — ОИЛАВИЙ БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК МАРКАЗИ» МАВЗУИДА ДАВРА СУХБАТИ ЎТҚАЗИЛДИ



Хотин-қизлар фаоллигини ошириш, уларни ижтимоий-сиёсий жараёнларга кенгроқ жалб қилиш партия дастурида алоҳида белгилаб олинган бўлиб, бу вазифалар барча ҳудудларда бўлганидек, Самарқанд вилоятида ҳам босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Айни пайтда воҳодаги 6942 нафар хотин-қизни бир мақсад сари бирлаштириб турган «Аёллар қаноти» фаоллари 2012 йил режаларини туманлар кесимида амалга оширишга киришди.

Либерал-демократик ғоялар ва кенг қўламли ислохотлар тарғиботи га бағишланган тадбирларда эса асосий эътибор қабул қилинаётган янги қонунларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказишга қаратилмоқда.

3»»

14 ЯНВАРЬ — БАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

Ифтихор



1991 йилнинг 31 августида ЮРТБОШИМИЗ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНИДА КАЛБЛАРИМИЗНИ НЕЧОҒЛИ УЛУҒ БИР ТУЙҒУ ҚУЛГАБ ОЛГАННИ ЭДГА ОЛСАК, БУГУН ҲАМ ВУЖУДИМИЗ ИФТИХОРГА ТЎЛАДИ. ЎТган йИГИРМА йИЛ МОБАЙНИДА ТОМ МАЪНОДА УЛКАН ТАРИХИЙ ЙЎЛНИ БОСИБ ЎТГАНИМИЗНИ БЕИХТИЁР КЎЗ ЎНГИМИЗГА КЕЛТИРАМИЗ

Айнан шу кун қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонун ва орадан бир ҳафта ўтгач, Президентимизнинг Мудофаа ишлари бўйича вазирлик ташкил этиш тўғрисидаги

фармони қабул қилинишини бугун ҳам фахр билан ёдга оламиз. Ва мустақилликнинг илк кунларидан мамлакатимиз осойишталиги, халқимиз тинчлигини сақлашга биринчи даражали аҳамият қаратилганлигининг мазмун-моҳиятини чуқур англаб ета-

миз. Давлатимиз раҳбарининг ўша кезларда айтган «Тарихдан маълумки, жамяят ва тузум ўзини ўзи ҳимоя эта олмас экан, ички сиёсатда ҳам, ташқи сиёсатда ҳам яхши натижага эриша олмайди. Биз ўз армиямизни тузамиз. Бу армия Ўзбе-

кстон халқини, Ўзбекистон мустақиллигини муҳофаза этиш қудратига эга бўлади», деган пурмаъно сўзлари нақадар ҳаётий эканлигини 20 йиллик тарихимиз амалда яққол намоён этди.

2»»

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА

Фарғона вилоятида O'zLiDeP ташаббуси ижросига киришилди

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ КЕНГАШИ O'ZLiDeP ТОМОНИДАН ТАЙЁРЛАНГАН «ЁШЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ХАМКОРЛИГИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЮЗАСИДАН ДЕПУТАТЛИК ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАКИДАГИ ҲАРАКАТ ДАСТУРИ»НИ МАЪКУЛЛАБ, УНИ ВИЛОЯТ МИКЁСИДА ОММАЛАШТИРИШГА ҚАРОР ҚИЛДИ

Маълумки, Юртбошимиз Ислам Каримов томонидан Бош Қомусимиз қабул қилинганнинг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда «Мустаҳкам оила ва бахтли турмуш, авваламбор, оила қурадиган ёшларнинг ўзига, уларнинг ақлаковати, маънавий фазилатларига, оила, жамяят олдидаги ўз бурчи ва масъулиятини чуқур англаб етишига боғлиқ» экани таъкидланиб, энди пайдо бўлган, катта умид билан ҳаётга қадам қўётган ёш оилани моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга қўмақ, имтиёз ва имкониётлар яратиб бериш, ав-

вало, уй-жой билан таъминлаш учун нафақат ота-оналар, биринчи навбатда, давлат ва жамятимиз масъул эканига алоҳида урғу берилган эди. O'zLiDeP Фарғона вилоят кенгаши томонидан тайёрланган дастур Юртбошимизнинг ана шундай кўрсатмалари асосида яратилган янги партия фаоллари алоҳида таъкидламоқдалар. Айни пайтда бу ҳужжат соҳада амалга оширилган ишларни қайта-қайта таҳлил этиш, йўл қўйилган хато ва камчиликлардан тегишли хулосалар чиқариш асосида тайёрлангани ҳам эътироф этиш жоиз. Энг асосийси, дастурни тайёрлаш жараёнида барча бўғиндаги

партия фаоллари ва электрот вакилларининг фикр-мулоҳазалари эътиборга олинди. Албатта, бундай кенг миқёсдаги ташаббусларни жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлашисиз амалга ошириш қийин. O'zLiDeP ташаббусининг халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашида атрофлича муҳокама қилингани эса унда ёшлар масаласи тўлалигича қамраб олингани билан боғлиқдир. Чунки дастурда ёшлар қизиқишлари, улар бандлигини таъминлаш масалаларидан тортиб, янги авлод вакилларини турли ёт ғоялардан асрашга бўлган жараёнлар акс этган. Дастур шу маънода ҳам

вилоят жамоатчилиги эътиборини яна бир бор ёшлар масаласига қаратиш ва бу борадаги устувор йўналишларни белгилаб олишга хизмат қила бошлади.

2»»

Қонунлар — тараққиёт кафолати

2011 йилда ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ ЯЛПИ МАЖЛИСЛАРИДА 80 ТА МАСАЛА КЎРИБ ЧИКИЛГАН БЎЛСА, УЛАРНИНГ 41 ТАСИНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ, СУД-ҲУКУК ТИЗИМИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ, ДАВЛАТ ҚУРИЛИШИ ВА БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУНЛАР ТАШКИЛ ЭТАДИ

Сенат аъзоларининг фикрича, ҳисобот даврида асосий эътибор фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашга қаратилди. Жумладан, Сенаторлар томонидан фуқароларнинг 6200 та мурожаати ўрганилиб, уларга тегишли жавоблар қайтарилди. Мутахассисларнинг эътирофи этишларича,

Сенатнинг 2011 йилдаги фаолиятида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамятини ривожлантириш Концепцияси» ҳамда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида кўзда тутилган мақсад ва вазифалар ижроси асосий ўрин эгаллади.

МАНФААТЛАР МУВОЗАНАТИНИНГ САМАРАЛИ ТИЗИМИ

Холида Алимова,
Олий Мажлис Сенати аъзоси:

2011 йилда парламент юқори палатаси томонидан маъқулланган энг муҳим ҳужжатлардан бири бу, шубҳасиз, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни бўлди. Хусусан, Конституциянинг 78-моддаси 15-бандига киритилган қўшимчага биноан, Қонунчилик палатаси ва Сенати биргаликда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазир ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш ваколатларига эга бўлди.

3»»

Учинчи сектор

«Ойдин ҳаёт»

касаначилиқни танлади

МАЪЛУМКИ, ҲАЛҚИМИЗ АЗАЛДАН ХУНАРМАНДЧИЛИКНИНГ КЎПДАН-КЎП ТУРЛАРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИБ КЕЛГАН

Бу эса жойларда бандлик даражасини оширишга ва албатта, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилган. Ҳозирги кунда эса фаолиятнинг айнаи тури «касаначилиқ», «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидея эътироф этилмоқда. Намангандаги «Ойдин ҳаёт» соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш маркази ҳам давр талабларидан келиб чиқиб, касаначилиқни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратапти. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидея давом этаётган бир пайтда мам-

лакатимизда бандлик муаммосини ҳал этиш учун кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётганлиги диққатга моликдир. Зеро, Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидея эътироф этилмоқда. Намангандаги «Ойдин ҳаёт» соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш маркази ҳам давр талабларидан келиб чиқиб, касаначилиқни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратапти. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидея давом этаётган бир пайтда мам-

3»»

БУГУНГИ СОНДА:



03»»

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси аъзоси О.Шариповнинг таъкидлашича, Тошкент вилояти чорвачилиқни ривожлантириш учун қулай бўлган географик минтақада жойлашгани боис худудда соҳа фаолиятини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2012 ЙИЛ 10 ЯНВАРДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУҲАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	▲ 1829,81	1 АҚШ доллари	▲ 1800,11
1 Англия фунт стерлинги	▼ 2772,53	1 Миср фунти	▲ 298,40
1 Дания кронаси	▼ 307,35	1 Исландия кронаси	▼ 14,50
1 БАА дирҳами	▲ 490,15	1 Канада доллари	▼ 1747,17

1 Ҳитой юани	▼ 284,94	1 Туркия лираси	▲ 957,30
1 Малайзия ринггити	▼ 569,82	1 Швейцария франки	▼ 1882,96
1 Польша злотийси	▼ 508,48	1 ЕВРО	▼ 2323,21
1 СДР	▼ 2754,40	1 Япония йениси	▲ 234,02

1 Россия рубли	▲ 55,91
1 Украина гривнаси	▲ 225,30
1 Жанубий Корея вон	▼ 15,47

ИСЛОҲОТ

web sayt: www.21asr.uz

Ифтихор

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Темур АБДУРАҲМОНОВ,
«XXI ASR»

1992 йилнинг 14 январни ҳам мустақил давлатимиз солномаси, хусусан, миллий армиямиз тарихида ўчмас из қолдирган саналардан бирига айланган. Шу кун Олий Кенгаш томонидан «Ўзбекистон Республикаси ҳудудда жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий билим юртлири ҳақида»ги тарихий аҳамиятга эга қарор қабул қилинган, 1993 йилнинг 29 декабрида эса 14 январь — «Ватан ҳимоячилари кун» деб расман белгиланган ҳарбий соҳадаги энг муҳим қадамлардан бири бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 3 июлда бўлиб ўтган X сессиясида «Мудофаа тўғрисида», «Умумҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги қонунлар, шуниингдек, ҳарбий қасамднинг янги матни қабул қилинган ҳам Қурултай Кучларимизни янада мустақамлашга хизмат қилди. 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган Асосий Қонуниимизнинг 52, 125, 126-моддаларида эса «Ўзбекистон Республикаси Қурултай Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини



ни, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади», «Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада Қурултай Кучларга эга» бўлиши қатъий белгилаб қўйилди. Бугунга келиб эса Ўзбекистон нафақат минтақада, балки жаҳондаги энг замонавий Қурултай Кучлардан бирига эга давлатлар сафидан ўрин олди. Утган қисқа давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президенти — Қурултай Кучлар Олий Бош Қўмондон томонидан ишлаб чиқилган ҳарбий ислохотлар стратегияси асосида сон жиҳатидан унча катта бўлма-

ган, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган армияни, жанговар ҳаракатлар олиб боришнинг энг самарали усуллари эгалланган ва ҳар қандай босқинчи кучларга қарши туришга қодир бўлган тезкор ва ихчам ҳарбий қисмлар юзага келтирилди. Натижада мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш бўйича тактик ва стратегик вазибаларни аъло даражада бажаришга қодир миллий армиямизга эга бўлди. Айна пайтда юртимизда ҳарбий хизматчилар ва

уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уй-жой билан таъминлаш, мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ёшларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, жумладан, олий ўқув юртлирига киришга уларга имтиёзлар берилётгани, ишга жойлашишда амалий ёрдам кўрсатилаётгани ҳарбий хизматнинг нуфузини янада юксалишида муҳим омил бўлмоқда. Мухтасар қилиб айтганда, миллий армиямиз сафларига хизмат қилиш юртимиз ўғлонлари учун шон-шараф иши, фарзандлик бурчи ва миллий ифтихорга айланган.

Сергак ва хушёр чегарачи

... ЯРИМ КЕЧАСИ ЎЗИГА БИРИКТИРИЛГАН ҲУДУДНИ АЙЛАНИБ ЧИКАЁТГАН ШАВКАТ МАВЛОНОВ ШУБҲАЛИ БИР ШАРПАНИ — ЧЕГАРАНИ БУЗИБ ЎТАЁТГАН ШАХСНИ СЕЗИБ ҚОЛДИ. У КОНУНБУЗАРНИ ФАФЛАТДА ҚОЛДИРИШ УЧУН ГЎЁКИ СЕЗМАГАНДЕК ЙЎЛИДА ДАВОМИ ЭТДИ-ДА, ҚУТИЛМАГАНДА ХУЖУМ ҚИЛДИ. ШУ ТАРИҚА ҚУРОЛЛАНГАН ЎТА ХАВФЛИ ШАХС ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ,
«XXI ASR»

Ҳарбий хизмати мобайнида намунали хулқи, фидойилиги билан кўпчилигининг тилга тушган, қисм қўмондонлиги томонидан бир неча бор рағбатлантирилган кичик сержант Шавкат Мавлонов Президентимиз фармонида кўра, «Жасорат» медали билан тақдирланди.

Янглиқнинг қаноти бор, деганларидек, бу воқеа бир зумда у туғилиб ўсган юрт — Жарқўрғонга етиб борди. Хушабардан қаттиқ севинган ота «қуллук бўлсин»га келаётган маҳалла ахли

учун дастурхон ёзди... Очигини айтиш керак, ўғли ҳарбийга қақирилганда ота бироз ҳадиксизга қарай эди. Уйдан узокқа чиқмаган мўмингина ўғли армия ҳаётига кўникиб кетишига ишонмаганди. Аммо ўғлининг қандай хизмат ўтаётганини кўриб келгач, кўнгли хотиржам бўлди. Шавкат ёзган хатлар оила аъзоларига қувонч бағишларди. Айнақса, қисм командири йўллаган мактуб катта хурсандчиликка сабаб бўлди: «Хурматли Шойдулла Абдураҳмонович! Ўғлингиз Она-Ватан олдидаги йигитлик бурчини шараф билан адо этмоқда. Фарзандингиз юксак жисмоний ва

маънавий-руҳий тайёргарлиги билан ҳам хизматдош дўстларига ўрناк бўлмоқда. Шундай Ватан ҳимоячисини тарбиялаб, вояга етказганиннгиз учун Сизга миннатдорчилик билдирамин. Ўғлингиз ҳарбий бурчини шараф билан адо этиб, соғсаломаат, ёруғ юз билан бағрингизга қайтиб боришини тилаб қоламиз». Муддатли ҳарбий хизматни тугатгач, Шавкат ота-сига маслаҳат солди: — Розилик берсангиз, шартнома асосида хизматни давом эттирсам. Ҳарбийликдан вазмин, сержмулоҳаза йингит бўлиб қайтган ўғлингиз қарори қатъийлигини сезган ота

мамнун бўлди: — Азиз бошинг омон бўлсин. Эл-юрт тинчлиги учун хизмат қилишга бел боғлаганиннг билан фахрланаман. Ёру биродарларинг, устозларинг олдида хамиша юзинг ёруғ бўлсин! Ота-она рози бўлса, эл ҳам рози бўлар экан. Уларнинг дуолари ва ўзининг астойдил хизмати сабаб кичик сержант Шавкат Мавлоновнинг бугун кўраги тоғдек баланд. Ватан қорига яраётгани, оиласи, халқи ва юртининг тинчлигига ҳисса қўшаётганидан мамнун ҳолда хизматни ўтамоқда. Сергак ва хушёр чегарачига барча бирдек ҳавас қилади.

Юртга содиқ ўғлон

КАПИТАН АСКАР ОТАМУРОДОВ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ФАРМОНИГА КЎРА, МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБИТИ БИЛАН ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТИ — «СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ

Ахбор ШУКУРЛАЕВ,
журналист

... Аскар муддатли ҳарбий хизмат давомида ҳар томонлама тобланиб чиникди. Командирларининг тавсияси ва ота-онаниннг қўллаб-қувватлаши уни Тошкент олий умумқўшига кўмондонлик билим ўстига етаклади. Билим юртини аъло баҳолар билан тугатган офицер бугун гуруҳ командири вазифасида хизмат қилиб, Ватан олдидаги бурчини ўтамоқда. У қўл остидаги ҳарбий хизматчиларнинг пухта билим ва тажрибага эга бўлиши учун тинмай изланади. Шахсий тарқибда ўзаро ҳурмат, ушқоқлик ва бирдамлик туйғуларини барқарор бўлишига интилади.

бағишлаганимдан фахрланаман, — дейди А.Отмуродов. — Ҳозир ҳарбийларнинг касбий маҳоратини ошириш йўлида ҳам назарий, ҳам амалий машғулотлардан сабоқ бериб келаяпман. Бунинг учун ўқув хоналари ва дала машғулоти ўтказишга мўлжалланган майдончалар барча зарурий восита ва жиҳозлар билан таъминланган. Жанговар тайёргарлик машғулоти билан бирга маънавий-маърифий тайёргарликка ҳам катта эътибор қаратганмиз. Бу эса вақт хизматчиларнинг дунёқараши янада бойишига ёрдам бермоқда. Қаҳрамонимиз билан суҳбатлашиш мобайнида унинг ўз касбига, вазифасига меҳри чеқсиз эканига амин бўлди. Етакчилик қобилияти, ҳарбий хизматчилар билан дўстона муносабатлари тўғрисида сафдошларидан илқ сўзларни эшитдик. — Капитан Отмуродов илк хизмат кунлариданоқ, ўзининг тиришқоқлиги, ташаббускорлиги, ҳарбий соҳаниннг билимдони эканлиги билан бутун жамоада яхши таассурот уйғотган, — дейди офицер Аваз Хўжаахметов. — Қўл остидигарига муносабати, энг асосийси, уларнинг пухта билим олиши йўлида қилаётган ишлари таҳсинга сазовор. — Капитан Отмуродов ҳарб илмини пухта ўзлаштирган, етук салоҳиятга эга офицерлардан, — дейди гуруҳ мергани, кичик сержант Шерали Юсупов. — У ўтказилаётган ҳар бир машғулот мобайнида биз билан алоҳида ишлаш учун ҳам вақт ажратиб, вазифамиз бўйича янги билимларни эгаллашимизга ёрдам бериб келмоқда. — Олдимга қўйган режадарим бисёр, — дейди Аск-



ар. — Ҳарбий хизматчиларнинг пухта билим олиши, тажриба ва кўникмага эга бўлиши учун бундан-да кўп ишлар қилишим керак. Энг асосий мақсадимиз ҳам шу — миллий армиямиз сафларига ватанпарвар, юрт тақдири билан яшайдиган, профессионал ҳарбий хизматчиларни тайёрлашдир.

Фарғона вилоятида О'zLiDeP ташаббуси ижросига киришилди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Ўз мухбиримиз

Очиги, халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгаши сессиясида ўрта қатлам манфаатини ҳимоя қилаётган сиёсий партиянинг ёшлар масаласига оид муқобил дастурининг бу қадар жиддий муҳокама қилиниши ва қўллаб-қувватланишига кўпчилилик ишонмаган эди.

Аммо дастурда Фарғона вилояти учун ниҳоятда долзарб масала қамраб олингани, ҳар бир банд чуқур таҳлиллар асосига қурилган вилоят кенгашининг навбатдаги сессиясини фақат шу масала муҳокамасига бағишланишига олиб келди.

Зеро, айна пайтда 3,2 млн. киши истикомат қилаётган ҳудуд аҳолисининг 60 фоиздан зиёдини ёшлар ташкил этаётгани, янги авлод вакиллари иш билан таъминлаш, ёшлар ўртасида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ниҳоятда долзарб эканини англатади. Бундан ташқари, вилоятда 2011 йилда иш ўринлари яратиш режаси 102,4 фоизга бажарилган бўлса-да, 2011 йилда турли йўналишдаги коллеж ва лицейларни 62335 нафар ёш йигит-қиз битириб чиқишини эътиборга олак, О'zLiDeP ташаббуси бежиз қўллаб-қувватланмаганига ишонч ҳосил қиламиз.

Фарғона вилоят статистика бошқармаси бошлиғи Абдусаттор Шамсидиновнинг таъкидлашча, 2011 йилда ҳудудда режадаги 91246 та ўрнига 93396 та иш ўрни яратилган. Уларнинг 69,8 фоизи эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ташкил этилган. 2012 йилда бу кўрсаткичнинг 78,2 фоизга етиши кутилмоқда.

— Айна пайтда вилоят жамоатчилигининг асосий эътибори аҳоли, айниқса, ёшлар бандчилигини таъминлашга, шаҳар ва туманларда ҳам О'zLiDeP томонидан тайёрланган Ҳаракат дастурини кенг тартибда этиш ва бу ишга мутасадди идоралар, соҳа ва тизимлар билан бир қаторда тадбиркорлик тузилмалари ҳам жалб этилган бу ташаббуснинг элгарот вакиллари томонидан ҳам жиддий қўллаб-қувватланаётганини кўрсатади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Барно Абдуллаева.

Шу ўринда кун тартибдаги масаланиннг ниҳоятда муҳим эканини инобатга олиб, партия фаоллари вилоятдаги 144 та ўрта-максус таълим муассасаларида ўқув машғулоти ва тажриба амалиёти самарадорлигини ошириш, ёшларга доимий иш ўринлари яратиш, битирувчи-

ларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш борасида изчил ишларни амалга оширганларини айтиш мумкин.

33 та иқтисодиёт, маиший хизмат ва сервис соҳасига йўналтирилган касб-хунар коллежлари билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилиб, вилоят кенгаши ижроия қўмитаси ҳузурида 11

шиш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини хунарманд, тадбиркор ва фермерларга бириктириш, битирувчи ёшларни ишга жойлаштириш бўйича катта тажрибага эга бўлган ўқув муассасалари тажрибасини оммалаштириш, тадбиркорлар, фермерларни рағбатлантириш чораларини кўриш, хунарманд,

Дастурда Фарғона вилояти учун ниҳоятда долзарб масала қамраб олингани, ҳар бир банд чуқур таҳлиллар асосига қурилган вилоят кенгашининг навбатдаги сессиясини фақат шу масала муҳокамасига бағишланишига олиб келди.

Зеро, айна пайтда 3,2 млн. киши истикомат қилаётган ҳудуд аҳолисининг 60 фоиздан зиёдини ёшлар ташкил этаётгани, янги авлод вакиллари иш билан таъминлаш, ёшлар ўртасида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ниҳоятда долзарб эканини англатади.

кишидан иборат ишчи гуруҳи тузилди. Гуруҳ аъзоларининг эса коллеж битирувчилари билан мунтазам ишлаши, уларни доимий иш билан таъминлашга масъул эканликлари белгилаб қўйилди.

Бундай саъй-ҳаракатлар эса ўз навбатида Ҳаракат дастурини тайёрлаш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Ҳозирда партия электорати ёрдамида 2011-2012 ўқув йили битирувчиларини ишга жойлаштириш, касбга йўналтириш мақсадида битирувчилар ва иш берувчилар ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгаши сессияси қарориди эса мутасадди идоралар фаолияти юзасидан таъсирчан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатилиш мақсадида Олий Мажлис Сенатининг 2011 йил 5 декабридаги «2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандчилигини таъминлаш дастури»да белгиланган вазифалар доирасида — О'zLiDeP вилоят кенгаши ташаббуси асосида коллеж, лицей битирувчиларининг ўқув-тажриба амалиёти самарадорлигини ошириш, ёшларни доимий иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш борасидаги ишлар режаси қатъий белгилаб олинганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Қарорда, шунингдек, корхона ва ташкилотларга вилоят солиқ бошқармаси ва тижорат банклари мутасаддиларига оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида «устоз-шоғирд» аънасини давом эттиришга қўмакла-

тадбиркор ва бошқа кичик бизнес субъектларига солиқлик оид имтиёзлар бериш чораларини қўлайитириш, ёшлар учун имтиёзли кредитлар турини қўлайитириш, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш чораларини изчил амалга ошириш вазифалари юклатилди.

Мазкур қарор ижросини назорат қилиш эса халқ депутатлари вилоят кенгашининг доимий комиссияларига юклатилди.

Фарғоналик сафдошларимиз ташаббуси ўз навбатида, «Мустақам оила йили»да Президентимиз раҳнамолигиди олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларни реал натижалар билан қўллаб-қувватлашга хизмат қилишига шубҳа йўқ.

— Президентимиз Концепцияси талаблари асосида сиёсий партияларга яратиб берилган имкониятлардан самарали фойдаланиш орқалигина вилоятда ана шундай натижаларга эришилмоқда, — деди О'zLiDeP вилоят кенгаши раиси Раҳматилла Камолов. — Тўғри, ҳали орамизда бундай масалаларда қатъий кўрсата олмаётган кенгашлар ва албатта, депутатларимиз ҳам бор. Аммо 2011 йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтган ҳисобот-сўйллов конференцияларидан кейин йўл қўйилган ана шундай камчилик ва нуқсонларни барқарор этиш юзасидан кескин чора-тадбирлар белгилаб, ўз фаолиятимизни таңқидий жиҳатдан таҳлил этидик. Халқ депутатлари вилоят кенгаши томонидан маъқуланган Ҳаракат дастурини эса ана шундай ўзгаришларнинг ижобий натижаси, дея баҳолаш мумкин.

АСОСИЙ ЭЪТИБОР ОИЛА МУСТАҲҚАМЛИГИГА

«Оила» илмий-амалий маркази Фарғона вилояти филиали ҳамда Марғилон шаҳар хотин-қизлар қўмитаси томонидан «Мустаҳқам оила — мустаҳқам жамият негизи» мавзусида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Марғилон шаҳри маҳаллаларида бўлиб ўтаётган ана шундай тадбирларда асосий эътибор оиланиннг жамиятдаги ўрни, унинг мустаҳқамлигини таъминлашда ёшлар тарбияси, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, репродуктив саломатлиқни мустаҳқамлаш, оилаларда барқарор муҳит ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришдан иборат эканига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадбирларда тиббиёт ходимлари, молия муассасалари вакиллари, ҳуқуқшунос ҳам ўзларининг тавсия ва маслаҳатлари, маърузалари билан иштирок этмоқдалар. Маҳалла фаоллари, уй бекалари, ёш келин-куёвлар ҳамда тадбиркорлик тузилмаларига имтиёзли кредитлар олиш, оилавий бизнесни йўлга қўйиш борасида зарур маслаҳатлар ҳам берилмоқда.

Шу маънода ҳам «Ипак йўли», «Янги боғ», «Яйилма» маҳалла фуқаролар йиғинларида ўтказилган тадбирлар унинг иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Мухаммадҷон МАҲМУДОВ тайёрлади.

Қонунлар — тараққиёт кафолати



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

МАНФААТЛАР МУВОЗАНАТИНИНГ САМАРАЛИ ТИЗИМИ

Холида АЛИМОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

Бу қоида қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти ўртасидаги муносабатларда

янгилик бўлиб, ҳукумат фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш механизмини яратиб берди. Эътиборли жиҳати шундаки, парламент палаталари қайси бир масалани жамият ҳаёти учун долзарб, деб ҳисобласа, ҳукумат раҳбарининг ана шу масала юзаси-

дан ҳисоботини ҳар қандай вақтда эшитиши мумкин. Бу қоида, биринчидан, парламентнинг ижроия ҳокимиятига таъсир кўрсатиш имкониятини янада оширса, иккинчидан, ҳукумат фаолиятининг шаффоқлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу ўринда Конституция-

мизнинг 93-моддасига киритилган қўшимчага биноан, Бош вазирга вилоятлар ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлаш учун Президентга тақдимнома киритиш ҳуқуқи берилганини таъкидлаш жоиз. Бу қоида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасидаги ислохотлар билан ҳамохангидир. Зеро, вилоятлар ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокими ўз лавозимлари бўйича жойларда ижроия ҳокимиятини бошқаради. Айтиш мумкин, улар худудларни ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожлантиришга масъул шахслар ҳисобланади.

Шу ўринда янги талаблар асосида Бош вазир номзодини кўрсатиш ҳуқуқи Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партияларга берилди. Бу айтиш мумкин, парламентнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ролини ошириб, ўзаро рақобатнинг кучайишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, парламентга биринчи марта бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳуқуқи ҳам жорий этилганини алоҳида қайд этиш лозим. Маълумки, хорижий

Оилавий бизнес маҳалладан бошланади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Нарғиза ҚАҲҲОРОВА,
«XXI ASR»

— Қуни кеча Пайарик туманидаги «Турсун Аҳмедов» маҳалласида бўлиб ўтган «Маҳалла — оилавий бизнес ва тадбиркорлик маркази» мавзусидаги давра суҳбатиди ҳам тадбиркорликка иштиёқи балинд аёлларни кичик бизнесга жалб этиш орқали оила фаровонлигини таъминлаш масалалари афрофлича муҳокама қилинди.

— Аёлларнинг маҳаллада фаол бўлишлари, аввало, уларнинг ижтимоий-сиёсий салоҳиятига боғлиқ, албатта. Бундай хотин-қизлар сони ортиб бораётгани ҳар биримизни қувонтиради, албатта.

Бирок улар орасида фақат уй-рўзгор юмушлари билан банд бўлиб қолаётганлари ҳам бор, — дейди О'зЛиДеР Самарқанд вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими муdiri Марҳаб Чўлиева. — Шунинг учун ҳам жойларда бошланғич ташиқлотлар, маҳаллалардаги маслаҳатчи аёллар, ҳаёт мактабини ўтаган онахонларимиз ёрдами билан ана шундай опа-сингилларимизни ўз сафимизга қўшишга ҳаракат қилая-

миз. Бу борада «Маҳалла» жамғармаси, Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорлик яхши самара берапти.

Таъкидлаш жоизки, 2011 йилда «Аёллар қаноти» вилоят хотин-қизларини оилавий бизнесга ўргатиш ва уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш билан боғлиқ 100 дан ортиқ тадбирлар ўтказди.

— Аммо бу натижалар билан қаноатланмаслигимиз керак. Чунки ҳали фойдаланилмаган имкониятларимиз кўп, — дейди О'зЛиДеР Пайарик туман кенгаши «Аёллар қаноти» бўлими раҳбари Фароғат Асқарова. — Ўтган йилги фаолиятимизни атрофлича таҳлил этиб, чекка худудларга эътибор қучайтириш зарурлигини тушуниб етдик. Шунинг учун ҳам бир қатор нодавлат нотижорат ташиқлотлар билан ижтимоий шерикчиликни мустоҳкамлаш мақсадида хотин-қизлар масаласида иш олиб бораётган алоқаларимизни қучайтира-япмиз. Бундан ташқари, «Аёллар қаноти» ташаббуси билан ҳар бир хунарманд биттадан шогирд тайёрлаш вазифасини ўз зиммасига олди.

«Турсун Аҳмедов» маҳалласида уч мингга яқин фуқаро истиқомат қилаётган бўлса, уларнинг 1650 нафарини хотин-қизлар ташкил этаётгани ҳам «Аёллар қаноти» ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбатда қўрилган мавзунинг нечоғли муҳим эканини кўрсатади.

ҚОНУН СИФАТГА ВА ТЕЗҚОРЛИККА ТАЪСИР ЭТАДИ

МАЪЛУМКИ, ҲАР ҚАНДАЙ СОҲА ВА ТИЗИМДА БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ РАҚОБАТНИНГ КУЧАЙИШИГА, ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ЖАЛБ ЭТИШ ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШГА, ПИРОВАРДИДА ЭСА ФУКАРОЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СИФАТИНИНГ ЯХШИЛЕНИШИГА ОЛИБ КЕЛАДИ

Дилором ЭСОНБОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

Ўтган йилда Сенат томонидан маъқулланган «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун ана шу мақсадларга қаратилгани билан ниҳоятда муҳим ҳужжатлардан бири бўлди.

Таъкидлаш жоизки, айтиш мумкин, ўзбекистонда телекоммуникациялар тармоғи

изчил ривожланаяпти. Хусусан, кейинги йилларда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадиодастурларни тарқатиш йўлига қўйилгани, айтиш мумкин, маҳаллий телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 та мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга эканлиги, шунингдек, мобил алоқа хизматлари юқори даражада юксалгани бунга мисол бўлиши мумкин. Тизимни янада ривожлантиришга қаратилган янги қонунни тайёрлашда сиёсий модернизация жараёнида тибора муҳим аҳамият касб эта-

ётган замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурлиши тизимида кенг фойдаланишга алоҳида эътибор берилди. Қонунда фуқароларни замонавий телекоммуникация хизматлари билан тўлақонли ва сифатли таъминлашнинг ҳуқуқий механизмлари белгиланиб, ахборотлаштириш ҳақида телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш, телекоммуникация, ахборот-ишлаб чиқариш, алоқа хизматлари, маълумотларни ўтказиш ва тақсимлашнинг замонавий бозорини такомиллаштириш кўзда тутилган.

Шу билан бирга қонуннинг энг муҳим тамойиллари ва унга киритилган меъёр ҳамда қоидаларнинг амалга оширилиши телекоммуникация соҳаси технология жиҳатдан ривожланишининг ҳозирги ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, қўлланилаётган тушуналарга аниқлик киритишга хизмат қилади. Ахборотларни ҳужжатлаштириш тартибини уйғунлаштириш, ахборот ресурсларини шакллантириш ҳамда ахборот тизимини ташкил қилиш ҳисобига давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг фойдаланишида бўлган, шунингдек, қўллаётган телекоммуникация тар-

моқлари ҳолатини сифат жиҳатдан яхшилашга шароит яратади.

Маълумки, бугунга келиб жамият ҳаётининг барча жиҳатларига интернет тибора қучур кириб, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омилга айланмоқда. Шу сабабли янги қонун телекоммуникация тармоқларини рақамлаш тизими ва режаси, шунингдек, интернет тармоғи миллий сегментининг домен номларини тартибга солиш, ҳисобга олиш ва улардан фойдаланишни назорат қилишни таъминлашга хизмат қилади.

ТЕКШИРИШЛАР ҚИСКАРТИРИЛДИ

СЕНАТ ТОМОНИДАН МАЪҚУЛЛАНГАН «ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШЛАР ҚИСКАРТИРИЛГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУННИ ХАМ 2011 ЙИЛДАГИ ЭНГ МУҲИМ ҲУЖЖАТЛАРДАН БИРИ СИФАТИДА ТИЛГА ОЛИШ МУМКИН

Абдурашид АЛТИЕВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

Чунки ушбу қонун давлат ҳамда назорат органларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятига ўринсиз аралашувини кескин камайитиришда муҳим ўрин тутади. Мазкур қонун билан «Фермер ҳўжалиги тўғрисида», «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»,

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Хусусий корхона тўғрисида»ги қонунларга ҳамда Солиқ кодексига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, янги ташкил қилинган бизнес субъектлари ва фермер ҳўжаликларининг молия-ҳўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки икки йилда режали тарзда текширилмас эди ва бу мuddат қўшимча равишда яна бир йилга узайтирилди. Яъни, уларнинг молия-ҳўжалик фао-

лияти дастлабки уч йил мuddатда режали текширишдан ўтказилмаслиги белгилаб қўйилди. Бунда фақат акция солиғига тортиладиган товарлар ишлаб чиқарувчи янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер ҳўжаликлари, шунингдек, уларнинг бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ молия-ҳўжалик фаолияти юзасидан дастлабки режали текшириш ўтказилиши мум-

кин бўлган икки йиллик мuddат сақлаб қолинди. Айтиш мумкин, кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер ҳўжаликлари фаолиятида ўтказиладиган текширишлар мuddати 30 календарь кундан ошмаслиги ҳам қатъий белгиланди. Ваҳоланки, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, барча ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида текшириш мuddати 30 календарь кун ҳисоблана-да, алоҳида ҳолларда ваколатли орган, яъни Назорат қилувчи органлар фаолиятини му-

вофиқлаштирувчи Республика кенгаши қорғирга мувофиқ, ушбу мuddат узайтирилиши мумкин эди. Бундан ташқари, ушбу қонун билан текшириш бошланган ва якунланган мuddатларни аниқ белгилайдиган меъёрлар ҳам белгиланди.

Бир сўз билан айтганда, айтиш мумкин, мазкур қонун тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини янада самарали муҳофазалаш, текширишлар тизимини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

ЛИЦЕНЗИЯЛАШНИНГ ЯНГИ ТАРТИБИ

ЎТГАН ЙИЛДА СЕНАТ ТОМОНИДАН МАЪҚУЛЛАНГАН ЯНА БИР МУҲИМ ҚОНУН БУ — «ФАОЛИЯТНИНГ АЙРИМ ТУРЛАРИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА»ГИ ҚОНУН БЎЛДИ. УНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ ХАМ ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯРАТИШГА ҚАРАТИЛГАНЛИГИ БИЛАН АҲАМИЯТЛИДИР

Алишер БУРҲОНОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

Хусусан, қонунга киритилган ўзгартишларга биноан, лицензиялаш тартиб-қоидаларини соддалаштириш ва лицензия олиш жараёнидаги тадбиркорлик субъектларига тушадиган молиявий юкни камайитиришга алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, амалдаги қонунчиликда лицензия олиш учун зарур ҳужжатлар қаторида юридик шахслар учун — юридик шахс давлат рўйхатидан

ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномадинг нусхаси, жисмоний шахслар учун — яқка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси талаб қилинар эди. Қонунга киритилган ўзгартишлар асосида эса ушбу гувоҳномаларнинг нотариал тасдиқланиши кераклиги ҳақидаги талаб бекор қилинди.

Лицензиялаш жараёнида соддалаштириш, лицензия талаб қилинадиган фаолият турларига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш бўйича лицензияни қайта расмийлаштириш учун лицензия берувчи органга ариза ва зарур ҳужжатларни тақдим этишга улгурмайди, бу, ўз навбатида, лицензияланган фаолият юритишни тўхтатиб қўяди. Шунинг билан ҳамда, мазкур мuddат бир ойга узайтирилди.

Қонунга, шунингдек, лицензияларнинг реестрларида мавжуд бўлган маълумотлар лицензияловчи органнинг веб-сайтига жойлаштирилиши ва танишиб чиқиш учун очиқ бўлиши ҳақида меъёр киритилмоқда. Бунинг амалий аҳамияти шундаки, эндиликда республикамизнинг турли вилоятларидаги тадбиркорлик субъектлари ва бошқа ташиқлотлар, фуқаролар лицензиялар реестрига киритилган маълумотлар билан танишиб чиқиш учун Тошкент шаҳрига, лицензияловчи органлар жойлашган вилоят ва туман марказларига бориши шарт бўлмайдди. Бунинг учун интернет тармоғига уланган компьютер бўлиши етарлидир. Натижанда қанча-қанча вақт ва йўлқира харажатлари тежаллади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонун тадбиркорлик субъектларини лицензиялаш тартиб-қоидаларини соддалаштиришга хизмат қилмоқда.

К.САЙДАЛИЕВ
тайёрлади

УЧИНЧИ СЕКТОР

«Ойдин ҳаёт»

касаначилилик танлади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Айтиш мумкин, мазкур қонун тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини янада самарали муҳофазалаш, текширишлар тизимини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Қаҳиқатан ҳам касаначилик янги иш ўринларини яратиш, оилавий бизнесни ривожлантириш учун катта имкониятдир. «Ойдин ҳаёт» нодавлат нотижорат ташиқлоти ҳам ана шу талаблардан келиб чиқиб, ўз фаолият доирасини кенгайтиришга ҳуқуқ ва манфаатларини янада самарали муҳофазалаш, текширишлар тизимини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Лағ асосида Наманган туманида «Кора тепа» қишлоғида касаначиликка ихтисослашган мини цех ташкил этилди. Айтиш мумкин, бу ерда 6 нафар тўқувчи, ип йиғирувчи ва пардозловчи шахсларни ишлаб чиқаришга жалб этиш учун муҳим аҳамият касб этмоқда. Қаҳиқатан ҳам касаначилик янги иш ўринларини яратиш, оилавий бизнесни ривожлантириш учун катта имкониятдир. «Ойдин ҳаёт» нодавлат нотижорат ташиқлоти ҳам ана шу талаблардан келиб чиқиб, ўз фаолият доирасини кенгайтиришга ҳуқуқ ва манфаатларини янада самарали муҳофазалаш, текширишлар тизимини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

ЖАВОБГАРЛИК «TASIX»НИНГ «УКА»СИГА ЎТАДИ

«Тошкент» республика фонд биржаси томонидан «TCI Composite» номили янги индекс ишлаб чиқилди. Таъкидлаш жоиз: қимматли қозғолар бозори ва унинг ўсиш суръатларини сифатли баҳолаш мақсадида «Тошкент» РҒБ 1999 йилда «Tasix» фонд индексини ишлаб чиққан эди. Аммо кейинги йилларда қимматли қозғолар бозорига фаолият кўрсатувчи компаниялар сонининг ортиши ҳамда савдо айланмалари ҳажми кенгайгани боис бу индекс мавжуд эҳтиёжни қондирмади. Фонд биржаси ана шу камчиликларни бартараф этиш мақсадида «TCI Composite» номили янги индексни ишлаб чиқиди. Маълумотларга кўра, нафақат кунлик, балки ҳафта, ой, чорак ва йил давомида амалга оширилган савдолар ҳақидаги маълумотларни жамлаш оладиган янги индекс 2012 йилнинг январидан ишга туширилади.

Мулкнинг ҳақиқий эгаси ким?

Темур АБДУРАҲМОНОВ

Самарқандлик тадбиркор Юсуф Мамамирзаевнинг тахририятга тақдим этган ҳужжатларини кўриб, ажабланмасликнинг иложи йўқ, албатта. Судларнинг қарор ва ажримлари, ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар ҳақиқатан ҳам унинг ҳақиқий мулк эгаси эканидан далolat беради.

— Самарқанд шаҳар Темирийул туман ҳокимининг 2000 йил 29 декабрдаги 541-қ сонли қарори билан менинг муассислигимдаги «Зайнаб» ШИЧСФга Х.А.садов кўчасидаги «5-сонли қурилиш трести майдони» ОАЖга қарашли 0,44 га. ер майдони доимий фойдаланиш унун ажратиб берилган. Бунга мазкур ОАЖ билан олди-сотди шартномаси асосида ушбу худуддаги эски омборхонани сотиб олгандим. Ер майдони ва омборхона шаҳар ер муносабатлари ва иншоотлари давлат кадастри бошқармасида рўйхатдан ўтказилиб, бу ҳақда фирмага 0008654-рақамли гувоҳнома берилди. Кейин омборхонани қайта таъмирлаб, цемент савдоси ва бетонғишт ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим. Рисоладагидек иш юрийтиб келаётгандик. Аммо...

2005 йилда Бахтиёр Розиков исм-шарифли шахс кутилмаганди Самарқанд шаҳар ҳокимининг 2004 йилда чиқарган қарорини рўқач қилиб, омборхонага кириш йўлига девор пойдеворини қура бошлади. Тадбиркор унга англашилмовчилик юз берганини тушунтира олмагач, 2005 йилнинг 13 майда шаҳар ҳокимлигига мурожаат этишга мажбур бўлди. Шундан сўнг қурилиш тўхтади. Бироқ орадан бир йил ўтгач, Жамол Воҳидов деган бошқа бир одам эски деворни йиқитиб, катта кўчага 15 метр чиқиб кетган ҳолда қурилишни давом эттиришга тушди.

— Мен бу ерни Бахтиёр Розиковдан 4,5 минг АҚШ долларига сотиб олдим, — деди у тадбиркорнинг қаршичилигига қулоқ тутмай. Мамамирзаев унга ернинг кадастр ҳужжатларини кўрсатганидан сўнг жахланиб, қайтиб кетди. Аммо орадан икки ой ўтганидан сўнг яна ишга киришди. Тадбиркорни ҳатто эшитгиси ҳам келмади.

— Унинг хатти-ҳаракатларидан дастлаб хайрон бўлдим, — дейди Юсуф Мамамирзаев. — Бошқа илож қолмагач, фуқаролик ишлари бўйича шаҳар судига мурожаат этдим.

Шу тарихда тадбиркор Самарқанд шаҳар ҳокимининг 2004 йил 29 мартдаги қарорини бекор қилишни сўраб, судга даъво аризаси киритди.

Судда Бахтиёр Розиков билан Жамол Воҳидов мулкка эгалик ҳуқуқи бўлмаса-да, собиқ Темирийул туман ҳокимининг 2000 йил 29 декабрдаги қарорини бекор қилиш тўғрисида қарши даъво аризаси билан чиқдилар. Иш кўрила бошлаганидан сўнг бироз муддат ўтгач, ернинг яна бир даъвогарни пайдо бўлди. Бир пайтлар эски омборхонасини «Зайнаб» фирмасига сотиб юборган «5-сонли қурилиш трести майдони» ОАЖнинг

янги раҳбари Ж.Саъдуллаев 2006 йилда ҳар хил маънодаги хат ва аризалар билан фуқаролик судига, 2007 йил январь ойида ҳужжалик судига мурожаат этиб, туман ҳокими қарорини бекор қилиш, 0,44 га. ер ва омборхонани яна акциядорлик жамиятига қайтариш ҳақида ариза берди.

— Хуллас, фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2007 йил 8 октябрдаги ҳал қилув қарори билан менга тегишли ерга ноқонуний тарзда суқилиб кирганларнинг даъвоси қондирилди. Темирийул туман ҳокимининг бу ерни менга ажратиб бергани оид 2000 йилдаги 541-қ сонли қарори бекор қилинди. Кассация инстанциясининг 2008 йил 30 декабрдаги ажримига биноан мазкур ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилди, — дейди тадбиркор. — Аммо туман ҳокими қарорининг ноқонуний эканлиги асослаб берилмади.

Кейинроқ жавобгарлар Б.Розиков ва Ж.Воҳидовнинг ҳужжатларни қалбакилаштиришдек жиноий ҳаракатга қўл урганлари маълум бўлиб қолди. Яъни, қонуний равишда менга қарашли ерга эгалик қилиш ҳуқуқини берадиган Самарқанд шаҳар ҳокимлигининг 2004 йил 29 мартдаги 240-қ сонли қарорини чиқартириб олгач, бу ер участкасини давлат рўйхатидан ўтказмай, яъни ерга эгалик ҳуқуқини олмасдан туриб, уни иккинчи қўлга — яқин қариндоши С.Усмоновга биржа савдоси орқали сотган. С.Усмоновни «инсофли олуви»га айлантирган Б.Розиков ер участкасини яна ўз қўлида сақлаб қолиш мақсадида қалбаки битим тузган. Шу тарихда низоли ер гўёки С.Усмонов томонидан фуқаро Ж.Воҳидовга сотилган.

«Қалбаки битим»нинг исботини Самарқанд шаҳар ички ишлар бўлими томонидан 2009 йил 15 августда ЖКнинг 228-моддаси 1-қисми (расмий ҳужжатларни қалбакилаштириш) билан қўзғатилган жиноят иши ҳам тасдиқлайди. Унда аниқланишича, низоли объект

олди-сотди шартномасидаги имзолар сохташтирилган: 2006 йил 6 майдаги олди-сотди шартномасига Усмонов ўрнига Воҳидов имзо қўйган. Сўнгра С.Усмонов ва Ж.Воҳидов ўртасида 2006 йил 8 июнда тузилган олди-сотди шартномасига С.Усмонов ўрнига Б.Розиков имзо чеккан. Тергов органи томонидан тайинланган экспертиза хулосасига кўра, шартно-

кор ўз мулкига эгалик қилолмай қолди.

Этибор беринг: аввал ҳокимнинг ер бериш тўғрисидаги қарори бекор қилинапти. Сўнгра суднинг аввалги қарорига асосланиб, олди-сотди шартномаси ноқонуний, деб топилди, аслида мулкка умуман алоқаси бўлмаган Н.Турсунова ва Ж.Саъдуллаевга эгалик ҳуқуқи берилаяпти. Ҳолбуки, «бахсли» май-

даъво муддатини тиклаш тўғрисидаги илтимосномасини қаноатлантирди.

Ваҳоланки, ҳал қилув қарориди таъкидланганидек, агар Н.Турсунова 2005 йил 9 июнда «5-сонли қурилиш трести майдони» ОАЖнинг 98 фоиз акция пакети савдолари бўйича танлов ғолиби бўлган ва 2005 йил 28 июнда олди-сотди шартномаси тузилган бўлса, унда ўша

Кейинроқ жавобгарлар Б.Розиков ва Ж.Воҳидовнинг ҳужжатларни қалбакилаштиришдек жиноий ҳаракатга қўл урганлари маълум бўлиб қолди.

маларга С.Усмонов номидан қўйилган имзолар унга тегишли эмас. Ҳолбуки, судга жавобгарлар Розиков ва Воҳидов томонидан ер участкасининг олди-сотди шартномаси тақдим этилмаган эди. Шунингдек, 0,06 га. ернинг кадастр ҳужжатлари ҳам судда негандир текширилмади. Борди-ю, шундай ҳужжатлар мавжуд бўлса, Самарқанд шаҳар ер муносабатлари ва бино иншоотлари давлат кадастри бошқармаси ҳамда ҳокимият вакиллари ишга жалб қилиниб, бир вақтнинг ўзида битта жойга икки шахс эгалик қилиши мумкинми-йўқлиги аниқланиши лозим эмасми-ди?


Бу саволлар судларни қизиқтирмади, чоғи...

Орадан кўп ўтмай, янги даъвогарлар пайдо бўлди. 2009 йилда ташкил топиб, ўзини «5-сонли қурилиш трести майдони» ОАЖ вояси, деб ҳисоблаган МЧЖ раҳбарлари Н.Турсунова ва Ж.Саъдуллаев судга даъво ариза киритишди. Фуқаролик ишлари бўйича Жомбой туман суди 2010 йил 17 майдаги ҳал қилув қарори билан 2000 йилда тузилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топди ва тадбиркор ўз пулига сотиб олган омборхона биносидан чиқарилди. Фуқаролик ишлари бўйича вилоят судининг қассияси судлов ҳайъати ажрими билан ушбу қарор ҳам ўз кучида қолдирилди. Шу тарихда тадбир-

донда жойлашган омборхона хусусий фирма томонидан 2000 йилнинг 20 ноябрида 1/20-Х1-2000-сонли олди-сотди шартномаси билан сотиб олинган. Сўнгра Самарқанд шаҳар ер муносабатлари ва бино иншоотлари давлат кадастри бошқармасида рўйхатдан ўтказилган. Наҳотки ушбу ҳужжатларнинг барчаси ноқонуний бўлса?

Шикоятчини таажубга солаётган ҳолатлардан яна бири фуқаролик ишлари бўйича Жомбой туман судининг 2010 йил 17 майдаги ҳал қилув қарори жавобгарларнинг иштирокисиз чиқарилгани (!?)дир.

— Бунисига ҳам майли, дейлик. Аммо даъвогарлар ўз талабларига асос қилиб кўрсатаётган 2005 йил 22 июндаги (агар шундай ҳужжат мавжуд бўлса) олди-сотди шартномаси нега судга тақдим этилмади? Энг қизиғи, суд ҳам ушбу ҳужжатни талаб қилмади, — дейди Мамамирзаев. — Даъво муддати ўтиб кетганлиги ҳақидаги талабимиз эса рад этилди. Ҳолбуки, ФКнинг 153-моддасида «Кўллиниши тўғрисида низодаги тараф баён қилинган даъво муддатининг ўтиши суднинг даъвои рад этиш ҳақида қарор чиқаришига асос бўлади», деб таъкидланган. Қонуннинг бу талаби рад этилиб, аксинча, суд ФКнинг 159-моддасини нотўғри талқин этган ҳолда даъвогарнинг



Кичик бизнес учун катта имкониятлар

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ЧИЛОНЗОР ТУМАНИДАГИ «МАР ПАК» ЎЗБЕКИСТОН-ХИТОЙ ҚЎШМА КОРХОНАСИ 2002 ЙИЛДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН БЎЛИБ, БУ ЕРДА ГЎШТ ВА ГЎШТ МАХСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИКАРИЛМОҚДА

Мурод ҚУДРАТОВ, «МАР ПАК» МЧЖ директори

солида ҳам кўриш мумкин. «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Юнусовод филиали томонидан ажратилган 100,0 млн. сўм миқдоридидаги узоқ муддатли кредит эвазига Хитойда ишлаб чиқарилган, электр қуввати тежамкор бўлган сут махсулотларини қайта ишлаш ва қадоклаш жиҳозларини харид қилдик. Натижада фаолиятимиз кенгайиб, сифатли ва арзон пишлоқ ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бундай эътибор натижаларини жамиятимиз ми-

сўмлик пишлоқ етказиб бериб, 12,1 млн. сўм миқдоридида фойда олди.

Давлатимиз томонидан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, замонавий, энергияни тежайдиган технологияларни ҳаётга татиқ этишни қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор қулайликлар, жумладан, солиқ ва божхона имтиёзлари яратиб берилгани эса янги ишлаб чиқариш линияларини йўлга қўйишда тадбиркорлик субъектлари имкониятларини янада оширмоқда.

Маълумки, Президентимиз томонидан 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб фармон ва қарорлар қабул қилинаётган, уларнинг бажарилишини назорат қилиш, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш ҳуқуқини муҳофаза этиш идоралари олдида турган энг долзарб вазифага айланган бир пайтда вилоят прокуратураси ва адлия идораларининг аралашуварига эҳтиж сезилаётгандек туюлмоқда.

ЭЪЛОН

ШАХСИЙ ТОМОРҚА ҲАМДА ДЕҲҚОН ҲЎЖАЛИКЛАРИ ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида Агробанк кўмаги билан маҳаллаларда сабзавот ва полиз экинлари уруғлари, мевали дарахт, узум кўчатлари ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини сотиш бўйича кўчма дўконлар ва турғун савдо шохобчалари ташкил этилган.

Сертификатланган махсулотларни нақд пул ёки пластик карточкалар орқали сотиб олишингиз мумкин.

Зарур ҳолларда микрокредитлар ҳам ажратилади.

АГРОБАНК: ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ — ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ!

Хизматлар лицензияланган.

ТИЛЛАНИ ФИЛДИРАКНИНГ БАҲОСИ

ЁКИ БОЖХОНАЧИЛАРИМИЗ ТОМОНИДАН 34 МЛРД. СЎМЛИК ТИЛЛАНИНГ ЙЎЛИ ТЎСИЛГАНИ ХУСУСИДА

Бугун мамлакатимизда тилла ва бошқа хил заргарлик буюмлари савдоси билан шуғулланиш учун барча ҳуқуқий асослар яратилган. Афсуски, мавжуд имкониятдан самарали фойдаланиш ўрнига ноқонуний йўллар билан мўмай даромад орттиришга уринаётган «тадбиркор»лар ҳам учраб турибдики, бу ҳол сергак божхоначиларимиз эътиборидан четда қолмапти.

Яқинда Тошкент вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан йirik микдордаги тилла ва заргарлик буюмларининг ноқонуний олиб кирилишига барҳам берилди. Кўшни Тожикистондан мамлакатимизга кириб келаётган бекободлик О. Раҳимовга тегишли «Нексия» автоулови божхона кўригидан ўтказилганда, унинг юкхонасидаги эҳтиёт филдираги одатдагидан анча оғирлиги сезилиб қолди. Филдирак очиб кўрилганда, бу ҳол унинг бўшлиқларига 12 донна ўрам моҳирлик билан жойлаштирилгани, ўрамларда 24 турдаги 2316 донна, қиймати 900 млн. сўмдан ортик 7,5 килограмм тилла тақинчоқлар яширилганлиги маълум бўлди. Суриштирув чоғида муқаддам судланган бекободлик О.Раҳимов ўз буюмларига биронта ҳам ҳужжат тақдим эта олмади.

Умуман, якунига етган 2011 йил божхоначиларимиз учун анча самарали кечди. Улар бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда йилнинг ўтган 11 ойида 426 та қонунбузарлик ҳолатини аниқладилар. Шу тарихда 34 млрд. сўмлик, 228 килограммдан ортик тилла ва бошқа хил заргарлик буюмларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар ер тузиш, рўйхатдан ўтказиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати давлат муассасаси Юнусовод туман хизмати томонидан жисмоний шахслар Мухутдинова Матлюба, Тошпўлатова Тажжон, Акбарова Шахло, Савдаришова Шахноза, Зиятудинова Умида номига берилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

«МУБОРАКНЕФТГАЗ»

УНИТАР ШЎЪБА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

мамлакат мудофаа қудратини оширишга улкан ҳисса
қўшаётган азиз фарзандларимиз, зобит ва аскарларимизни

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИ




билан самимий муборакбод этади.

Ушбу қутлуғ кунда сизларга хуш кайфият

ва янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, мард ўғлонлар!





«ШҶРТАННЕФТГАЗ»

унитар шўъба корхонаси жамоаси

эл тинчлиги, мамлакат тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлашда Куролли Кучлар сафида фидокорона хизмат қилаётган қадрли ҳарбийлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини, шунингдек, барча юртдошларимизни

Вапан ҳимоячилари кунини

билан қизғин табриклайди.

Сизларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилаларингизга тинчлик ва хотиржамлик тилаймиз.

Осмонимиз ҳамиша бугунгидек тинч ва мусаффо бўлсин, азиз юртдошлар!

14
Январь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА 20 ЙИЛ

web sayti: www.21asr.uz

«Муқаддас бурч»

«ЎЗБЕККИНО» МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ «ВАТАН» КИНОСТУДИЯСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ АРАФАСИДА ТАҚДИМ ЭТГАН ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМ АНА ШУНДАЙ НОМЛАНГАН



Абулфайз САЙИДСКАРОВ, «XXI ASR»

Таникли режиссёрлар Шавкат Махбубов ва Хилол Насимов, иқтидорли тасвирчи Темура Абдуллаев томонидан суратга олинган киноасар ватанпарварлик ғоялари билан томошабинлар олқишига сабаб бўлган

«Сардор» фильмининг мантқиқий давоми ҳисобланади. Мазкур бадиий фильмда олий ҳарбий билим юртини тугатиб, ўз хизматини бошлаган ёш офицер ҳамда муддатли ҳарбий хизматга қаҳирланган аскарларнинг муносабатлари бош қаҳрамон Акмал Камоловнинг руҳий кечинмалари асосида ёритиб берилган. Пойтахтимиздаги

Алишер Навоий номи киносаройда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда ўшбу фильмининг премьераси бўлиб ўтди. Ҳарбий хизматчилар, олий ўқув юртли талабалари ва кўплаб киномухлислар икки соат давомида қаҳрамонлар билан ҳамнафас бўлиб, улар боқадан кечирган барча воқеаларни ўз шуурларида ҳис этишди

— Бу фильм ғоявий тарғибот намунаси сифатида зерикарликроқ асар бўлса керак, деб ўйлагандим, — дейди томошабинлардан бири Жамила Турдиева. — Таҳминларим асоссиз бўлиб чиқди. Фильм ҳаётий сюжетларга бойлиги билан эътиборини тортиди. «Муқаддас бурч» тўрт серияли телевизион бадиий фильм бўлиб, унда таникли актёрлар Учқун Тиллаев, Боир Холмирзаев, Улуғбек Юнусов ва Дониёр Ҳафизов асосий ролларни ижро этишган. — Гарчи фильмда ҳарбий хизматчи ролини ўйнамаган бўлсам-да, тасвирга олиш жараёнида аскар ва офицерлар ҳаётийнинг ўзига хос жиҳатлари, қувонч ва ташвишлари билан ошно бўлдим, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тоҳир Саидов. — Назаримда, бу фильмда ҳарбийлик касбининг ўзига хос жиҳатлари, Ватан ҳимоячиси бўлиш — муқаддас бурч эканлиги турли бадиий воситалар негизида етарлича очиб берилган.

ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ КИЧИК КОМАНДИРЛАР БИЛАН УЧРАШДИЛАР

О'zLiDeP Наманган вилоят кенгаши ташаббуси билан Чортоқ туманидаги Сержантлар тайёрлаш мактабида Қуролли Кучларимиз ташкил этилганлигининг 20 йиллигига бағишлаб «Ватани ҳимоя қилиш, унинг сарҳадлари дахлсизлигини таъминлаш миллатимиз ўғлонлари учун шарафли бурч» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Таъдбирда О'zLiDeP Наманган вилоят кенгаши ҳузуридаги «Сийёсий таълим маркази» раҳбари Н.Мухаммадиева сўзга чиқиб, юртимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, демократик тараққиёт йўлининг ўзига хос хусусиятларига тўхталиб, Миллий иқтисодиётни ривожлантириш, маънавий қадриятларни асраш борасида амалга оширилаётган ишлар юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади. Мафқуравий тарғибот-ташвиқот ишлари бўлими мудири М.Аҳадов эса миллий армиямизни замонавий техника ҳамда қурол-аслаҳалар билан таъминлаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари учун муносиб шароит яратиш, шахсий таркибининг жисмоний, ақлий ва жанговар тайёргарлиги муқаммал бўлишига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. О'zLiDeP аъзолари ташриф буюрган Сержантлар тайёрлаш мактабида ҳам етук ҳарбий маҳоратга эга, сийёсий дунёқараши юқори бўлган кичик командирлар сафи кенг. Уларга замонавий ҳарбий техникани моҳирона бошқариш сирларини кўл остидаги аскарларга ўргатишдек шарафли вазифа юклатилган. Жаҳоннинг айрим ҳудудларида нотинчлик ҳукм сураётган бир пайтда мамлакатимиз Қуролли Кучлари ҳар қандай таҳдидаги муроғасиз жавоб қайтаришига тайёр эканлигини бу ерда таълим олаётган ҳар бир сержантнинг қатъий нигоҳидан англаш қийин эмас.



ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД ОИЛАСИ

Ҳарбийлик шарафли касб ҳисобланади. Шу маънода она-юрт осойишталиги йўлида сидқидилдан хизмат қилиш ҳар бир йигитнинг муқаддас бурчига айланган. Ҳарбийларимизни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни кунларда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллиги муносабати билан мард ва жасур фарзандларимиз давлат томонидан барча шарт-шароитлар яратилган уй-жойлар билан таъминланмоқдаки, бу уларнинг хонадонларида катта қувонч ва шодёнларга сабаб бўлаяпти. Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида истикомат қилаётган Холбековлар оиласи бугун ана шундай бахтдан масрур. Фавқулодда вазиятлар вазири бўлиб бўшлиғи, подполковник Жомурод Холбековнинг эл-юрт осойишталиги йўлидаги 20 йиллик хизмати муносиб тақдирланди. Яъни, унинг оиласи барча қулайликларга эга бўлган уй-жой билан таъминланди. — 2012 йил биз учун хайрли бошланди, — дейди хонадон бекаси Азиза Бобомуродова. — Очғи, турмуш ўртоғимнинг ҳарбий соҳада хизмат қилишидан доим фахрлиб юраман. Бу тўғуни фарзандларим Шербек ва Моҳиннинг мамнун қиёфасида кўрганамда қалбим ҳаяжонга тўлади. Оила курганимизга 20 йил тўлган айни кунларда алоҳида уй-жойга эга бўлдик. Шу боис қувончимизнинг чеки йўқ. «Мустаҳкам оила йили» бир умр ёдимизда қолиши шубҳасиз. Бу биз учун қўшалоқ байрамдир!

Аждодлар тарихи — авлодларга ибрат

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗНИНГ ЙИГИРМА ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА БАҒИШЛАБ ЖОЙЛАРДА ТУРЛИ УЧРАШУВЛАР, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА

Назкат ЗИКРИЛЛАЕВА, журналист

Шундай тадбирлардан бири пойтахтимиздаги Шаҳидлар хотираси мажмуасида ташкил этилди. Бир гуруҳ ҳарбийлар «Қатагон қурбонлари хотираси» музейига ташриф буюрдилар. Мазкур зиёратгоҳ мустақилликнинг муборак эпикларидан баҳраманд бўлган мўътабар манзил ҳисобланади. Юртбошимизнинг ташаббуси билан бу жой обод ва кўркем масканга айланди. — Тарихга жуда қизиқман, — дейди кичик сер-

жант Акмал Аҳмадалиев. — Айниқса, ўн тўққизинчи аср охири ва йигирманчи аср бошлари шиддатли воқеаларга бойлиги билан мени ўзига жалб этади. Музейда ўша давр ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар кўп экан. Миллатимизнинг кўплаб маърифатпарварлари ҳақида тайёрланган ҳужжатли фильмлар ҳам бизга манзур бўлди. — Музейларни бежиз тарих кўзгуси, деб аташмайди, — дейди оддий аскар Ориф Боймуродов. — Қатагон қурбонлари ҳақида кўп ўқиганман. Аммо бу ерда 2008 йили Қолима архивидан топилган ҳужжатни кўриб, қаттиқ



ҳаяжонландим. Бу ҳужжат Қолимага сургун қилинган миллатдошларимизнинг лагер «тройка»си томонидан отиб ташланганлиги тўғрисида экан... Ҳарбийлар музейдан

чуқур таассуротлар билан қайтишди. Бу эса Истиқлолдан шукроналик ҳисси-янада кучайтириб, уларни миллат юзига елкадош бўлишга даъват этгани шубҳасиз.

Мутахассислар 12-19 январь кунлари мамлакатимизда ўзгарувчан об-ҳаво кузатилса-да, ёғингарчилик бўлмастлигини таъкидламоқдалар. 13-15 январь кунлари эса баъзи ҳудудларга туман тушиши мумкин. Гидрометеорология маркази хабарига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳаво ўзгариб туради, 13-15 январда ёмғир, қор ёғиши мумкин. Ҳарорат кечаси 2-7 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илқ, 14-16 январь кунлари 3 даража совуқ-2 даража илқ бўлиши кутилмоқда. Бухоро ва Навоий вилоятларининг баъзи ҳудудларида туман тушади, шомол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 2-7 даража илқ бўлади. Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятларида ҳам ҳаво ўзгариб туради, 13-15 январда вақти-вақти билан ёмғир ва қор ёғади. Ҳарорат кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 2-7 даража илқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида кечаси 3 даража совуқ-2 даража илқ, кундузи 7-12 даража илқ бўлади. Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида ҳам ҳаво ўзгарувчан бўлиб, айрим жойларга туман тушади. Шомол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 2-7 даража илқ бўлади. Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида ҳам ҳаво ўзгарувчан бўлиб, ёмғир ва қор ёғиши кутилмоқда. Ҳарорат кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 2-7 даража илқ бўлади. Республиканинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, 13-15 январда баъзи жойларда қор ёғиши мумкин. Ҳарорат кечаси 2-7 совуқ, кундузи 12-13 январда 0-5 илқ, 14-15 январь кунлари эса 3 даража совуқ-2 даража илқ бўлади.



Advertisement for Nazivin and Iodomarin. Nazivin is a nasal spray for children and adults. Iodomarin is a iodine supplement. The ad includes images of children and product packaging.